

Байтул Мақдис нақадар яхши намозгоҳ



11:08 / 08.11.2023 3037

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида Масжиди Набавий афзалми ёки Масжидул Ақсоми, деб баҳслашиб қолдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Менинг масжидимда ўқилган битта намоз Байтул Мақдисда ўқилган тўртта намоздан афзал. У ер, яъни Байтул Мақдис нақадар яхши намозгоҳ. Ҳали шундай вақтлар келадики, киши учун отининг арқони миқдорича Байтул Мақдис кўриниб турадиган ери бўлиши дунёдаги барча нарсадан яхшироқ бўлиб қолади».**

Имом Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилиб, саҳиҳ деган ва Заҳабий унинг бу фикрини маъқуллаган.

Изоҳ: *Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидада ўқилган битта намоз бошқа масжидларда ўқилган намоздан минг карра устун саналади. Масжидул Ақсода ўқилган биргина намоз бошқа масжидларда ўқилган икки юз элликта намозга тенг экан.*